

**Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича  
ШАРТНОМА**

2021 йил “28” январ 203135074145 -сон Тошкент шаҳар  
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи **“Шуртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ** (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади), раҳбари **Ш.Ч. Асланов** бир томондан ҳамда Низом ва 2021 йил 4 январда берилган 01-27/19Д – сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи **“Ўзтрансгаз” АЖ** (кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталади), Тижорат бўйича Департамент бошлиғи Р.Е. Туляганов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмларда етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йил 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 10 000 000 куб.м, нархи 660 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	<b>1 500</b>	мингкуб.м,	январь	500 000,	февраль	500 000,	март	500 000.
II чорак	<b>3 000</b>	мингкуб.м,	апрель	500 000,	Май	2 000000,	июнь	500 000.
III чорак	<b>1 500</b>	минг куб.м,	июль	500 000,	август	500 000,	сентябрь	500 000.
IV чорак	<b>4 000</b>	мингкуб.м,	октябрь	3 000000,	ноябрь	500 000,	декабрь	500 000.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 2022 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми 80000 минг куб метрни, шужумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини ташкил қилади:



2021 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми 8000,0 минг куб метрни, шужумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагини ташкил қилади:

I чорак 1200,0 мингкуб.м, январь 400,0, февраль 400,0, март 400,0.  
 II чорак 2400,0 мингкуб.м, апрель 400,0, май 1600,0, июнь 400,0.  
 III чорак 1200,0 минг куб.м, июль 400,0, август 400,0, сентябрь 400,0.  
 IV чорак 3200,0 мингкуб.м, октябрь 2400,0, ноябрь 400,0, декабрь 400,0.

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани такдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан табиий газ ҳажми чорак учун тенг таксимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни таксимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар даражасида қайта кўриб чиқишга ҳақлидир.

Кўшимча табиий газ ҳажмлари ажратилишини имконияти бўлмаган тақдирда Етказиб берувчи Истеъмолчига ёзма равишда жавоб беради.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу Шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда етказиб берилади.

2.2. Етказиб берувчи Истеъмолчига 1.4-бандда кўрсатилган ҳажмда газ етказиб беради.

2.3. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4-бандига асосан жорий ой учун кунлик (соат) тенг таксимланган газни газ қабул қилиб олади, шунингдек мазкур шартноманинг 4.13-бандига асосан газни етказиш-қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчига 3 сутка ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали хабардор қилиши шарт.


Етказиб берувчининг авария-диспетчерлик хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.5. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камида 3 сутка аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади.

2.6. Магистрал ва таксимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилган тақдирда, Етказиб берувчи газ етказиб беришни чеклаши мумкин, Истеъмолчи эса захира ёқилғи туридан фойдаланишга ўтади.

2.7. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш чораларини кўради.





2.8. Истеъмолчи захира ёқилғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.10. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.11. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.12. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газ ишлаб чиқарувчи “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГАОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори ҳар ойда газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

Етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб газ ҳажмини стандарт шартларига кўра (ДСТ 5542-87 ва ДСТ 2939-63 1.1-бандига асосан) куб метрга, яъни  $T = 20^{\circ}\text{C}$ ,  $P = 760$  мм симоб устунига келтирилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан газни тижорий ҳисобга олиш учун мўлжалланган торайтирувчи қурилмага эга ўлчов комплекси фойдаланилган тақдирда, Етказиб берувчи газни ёзги ва қишки мавсумларда истеъмол қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, торайтирувчи ускуналарни ўз вақтида алмаштириш ва ўлчов комплекси ишини “Ўзстандарт” агентлиги талабларига мувофиқлаштириш таъминланиши лозим.

3.3. Газни сарфланишини ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлар инobatга олинади:

а) манометрлар ва термометрлар созлиги, уларнинг давлат текширувини амал қилиш муддати;





б) ГТШни юргизиш (тартибга солиш) муддати, шунингдек ҳақиқий ишчи босимнинг ГТШни тартибга солиш далолатномасида қайд этилган кўрсаткичларга мувофиқлиги.

Қайд этилган кўрсаткичларга риоя этилмаганда  $R_{\text{ортикча}} = 1,0 \text{ кгс/см}^2$  коэффиценти қўлланади

Етказиб берувчи Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш приборига, унинг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгартиришларни 12 соатдан кечиктирмасдан киритиши керак. Газ таркиби бўйича кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва ҳаққоний киритилиши учун жавобгарлик Истеъмолчи зиммасида бўлади.

3.4 Газ сарфини ҳисоблаш прибори ҳажмини ўлчаш диапазони ўрнатилган газдан фойдаланиш ускуналари қувватига мувофиқ бўлиши лозим. Агар табиий газ ҳисобга олиш қурилмаларининг техник тавсифида кўрсатилган ҳажмдан кам сарфланса, газ ҳажми ва сарфини ҳисобга олиш техник тавсифининг пастки чегараси бўйича қабул қилинади.

Газни ҳисоблаш приборининг хатолиги приборнинг паспортида кўрсатилган хатолик чегарасига мос келиши лозим, бундай ҳолатларда газ сарфини ҳисобга олиш тизими ўзаро ҳисоб-китоблар учун яроқли ҳисобланади

Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

3.6. Истеъмолчи томонидан қуйида кўрсатилган қоида бузилишлар содир этилган тақдирда, ундай истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари нархи (амалдаги тарифлар бўйича) Етказиб берувчининг ваколатли ходими сўнги кўриқдан ўтказиш вақтидан бошлаб, газдан фойдаланиш ускунасининг сутканинг 24 соатида тўлиқ қувват билан ишлаши ҳисобидан келиб чиққан ҳолда ундирилади:

а) газни ҳисоблаш приборини давлат қиёсловидан ўтказиш муддати тугаганда ва истеъмолчи давлат қиёсловини ўтказишга тўсқинлик қилган ҳолатда, тегишли ҳисоб-китоб қиёслов муддати тугаган вақтдан бошлаб у ўтказилгандан кейин газни ҳисоблаш приборини ўрнатишгача бўлган даврда;

б) табиий газ истеъмолини ҳисоблаш приборига қасддан шикаст етказиш;

в) ўчириш қурилмалари, газдан фойдаланадиган ускуна ёки табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборида ўрнатилган тамғаларни қасддан бузиш;

г) табиий газ ҳисобини юритмасдан ёки ўрнатилган табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларидан фойдаланмасдан табиий газни ишлатиш;

д) газ қувурлари ёки ГТШларда, газни тақсимлаш тармоқларини технологик иш режимини бузадиган қурилмаларни ўрнатиш;



е) истеъмолчи томонидан газлаштириш учун зарур хужжатлар расмийлаштирмасдан газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган тақдирда, ушбу ҳатти-ҳаракатларни содир этган шахслардан рухсатсиз фойдаланилган газ ҳажмлари қиймати истеъмолчи давлат рўйхатидан расмий ўтказилган кундан бошлаб (тегишли тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) ўтган вақт мобайнида газдан фойдаланиш ускунасининг тўлиқ қувват билан ишлаши (ёки стандарт газдан фойдаланиш ускунаси мавжуд эмаслигида қувурнинг ўтказиш имконияти) ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

ё) ҳисобга олишни нотўғри кўрсатиш мақсадида ҳисобга олиш приборининг конфигурацияси ва созлигини ўзгартириш учун табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборига модем ёки ёки бошқа алоқа воситаларининг рухсатсиз уланганлиги аниқланганда – рухсатсиз аралашилган кундан бошлаб бутун вақт давомида (аралашув ҳолати ва санасини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда), лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

ж) табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборининг хотирасидан истеъмолчининг айби билан назорат қилинадиган маълумотлар қисман ёки тўлиқ йўқотилишига йўл қўйилганда – маълумотлар йўқотилган вақтдан носозлик аниқланган вақтгача (аралашув ҳолати ва санасини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда), вақтни (даврни) аниқлаш имкони бўлмаганда – охириги кўрик ёки Етказиб берувчи вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

з) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, ушбу ҳолатда пломбаланмаган газ жиҳизларида фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далорлатномаси тузилган кундан, хатлов далорлатномаси мавжуд бўлмаганда эса-Етказиб берувчи вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кунда амалга оширилади;

и) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда, прибордан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан уланишлар (газ қувурлари, байпас линиялари ва бошқаларни яширинча монтаж қилиниши) аниқланганда – охириги хатловдан ўтказиш далорлатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

к) ҳисобга олиш прибори бузилганда ёки мавжуд бўлмаганда (истеъмолчи айби билан), пломбаларузилганда ва визуал аниқланадиган табиий газнинг ҳақиқий истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадидаги бошқа қоидабузарликларда (жумладан, ҳисобга олиш приборидан ташқари ёки ундан олдин газ қувурлари ва байпас линиялари уланганда) – бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтда;

л) истеъмолчи томонидан газлаштириш учун зарур хужжатларни расмийлаштирмасдан газдан фойдаланиш бўйича қўшимча ускуна ўрнатилганда- бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтда. Бунда қоидабузарлик тўғрисидаги

ЮРИДИЧЕС.ОТД.  
ООО "ШГХК"



далолатномага мувофиқ амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб ҳажми ва суммаси мазкур шартнома талаби бузилиши билан боғлиқ қонун бузилиши натижасида келтирилган зарарни ҳисоблаш учун асос ҳисобланади. 3.7. Ҳисоблаш прибори ишдан чиққанида истеъмолчига етказилган газ ҳажми тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг энг юқори қувват билан ишлаб туришига нисбатан аниқланади, бироқ, мазкур шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида белгиланган талабларга риоя этилган тақдирда, бир чоракдан ортиқ бўлмаган муддатга қўлланади.

3.7. Ҳисоблаш прибори ишдан чиққанида, Истеъмолчи 24 соатдан кечиктирмасдан бу ҳақида Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, корxonани ва газдан фойдаланувчи ускуна иш жадвалини тузиши ва ишдан чиққан газдан фойдаланувчи ускунани тамғалаб қўйиши шарт.

3.8. Ҳисоблаш приборларини ўрнатиш, фойдаланиш ва текшириш амалдаги меъёрлар ва қоидаларга асосан ўтказилади.

3.9. Табиий газни ҳисоблаш учун фақат Ўзбекистон Республикаси ўлчов воситалари Давлат реестрига киритилган турдаги приборлардан фойдаланиш шарт.

3.10. Приборлар уларнинг фойдаланиш учун яроқли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган жойларда тегишли шаклдаги амал қилувчи белгилар ва тамғаларга эга бўлиши шарт.

3.11. Ҳисоблаш приборларининг техник ҳолати, таъмирланиши ва ўз вақтида давлат қиёсловидан ўтказилиши учун жавобгарлик ҳисоблаш прибори эгаси зиммасига юклатилади.

3.12. Ҳисоблаш приборларини қиёслови Давлат метрология хизмати органлари томонидан "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилади.

3.13. Ҳисоблаш приборларини қиёслов даврийлиги меърий-техник ҳужжатлар асосида белгиланади.

3.14. Ҳисоблаш приборига тамға ўрнатиш Етказиб берувчи масъул ходимлари томонидан далолатнома тузган ҳолда ҳамда Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

3.15. Ҳисоблаш приборларининг, шу жумладан ўрнатилган тамғаларнинг сақланиши ва бутлиги учун жавобгарлик Истеъмолчига юклатилади.

3.16. Ҳисоблаш прибори ўрнатилгандан кейин, Етказиб берувчи томонидан рўйхатга олинади.

3.17. Ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

3.18. Ҳисоблаш приборини алмаштириш учун ечиб олиш Истеъмолчининг аризаси асосида Етказиб берувчи вакиллари томонидан амалга оширилади.

3.19. Ҳисоблаш приборини текширув муддати тугаганлиги сабабли ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан текширув муддати тугашидан камида бир кун аввал амалга оширилади.

3.20. Ҳисоблаш приборини созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.



3.21. Мазкур шартноманинг 3.17-бандида қайд этилган ҳолатларда ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш учун Истеъмолчи сертификатда кўрсатилган кундан бошлаб икки кун ичида буюртма бериши лозим.

3.22. Ушбу шартноманинг 3.17-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш Истеъмолчининг буюртмасига кўра икки кун ичида Етказиб берувчининг вакиллари томонидан амалга оширилиб, сўнг тамғаланади.

3.23. Ушбу шартноманинг 3.20-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, мониторинг тугаганидан сўнг кечиктирмасдан, дарҳол Етказиб берувчининг вакиллари томонидан ўрнатилиб тамғаланади.

Ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, мулкдор номувофиқликларни бартараф этишни таъминлаши шарт, шундан сўнг 3.21 ва 3.22-бандларга мувофиқ ўрнатиш амалга оширилади.

3.24. Ҳисоблаш приборини мониторинг қилиш ёки текширув натижаларидан норози бўлган Истеъмолчи, белгиланган тартибда юқори турувчи орган ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

3.25. Шартноманинг ҳар икки томони белгиланган қонунчиликка мувофиқ, Етказиб берувчининг ваколатли ходимига сутканинг исталган вақтида ҳисоблаш приборларини монеликсиз кўздан кечириш учун кириш имкониятини таъминлаши шарт.

3.26. Етказиб берувчининг ваколатли ходимини ҳисоблаш приборларига қўймаслик ҳолати далолатнома билан расмийлаштирилади. Истеъмолчи мазкур далолатнома билан танишиши лозим. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этган ҳолатда, далолатномада бу ҳақда қайд этилади. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этиш сабабини баён қилиш ҳуқуқига эга, бу ҳақида далолатномага қайд этилади.

Далолатномага имзо қўйишни рад этиш Истеъмолчини газ тармоғидан узиб қўйиш учун асос бўлади ва бу ҳақида огоҳлантирилиши шарт.

#### **IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 70 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти

ЮРИДИЧЕС.ОТД.  
ООО "ШГХК"



ташкilotининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадilar.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкilotи билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади, табиий газ етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкilotлар бундан мустасно.

Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкilotига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган миқдор деб ҳисобланмайди.

Газнинг ҳисобини юритилишида истеъмолчи айбдорлиги асосланиб камчиликлари аниқланганда, истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб-ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинган тақдирда, истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилмайди.

4.10. Табиий газ учун истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчини хабардор қилган ҳолда, тўлов муддати ўтган қарзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи (табиий газ етказиб беришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган стратегик ташкilotлардан 0,1 фоиз) миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича



ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар биллинг тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларига киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич ечиб олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоблаш ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида Газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда ҳисобланган, Истеъмолчи газ тармоқлари ва ГТШдаги технологик йўқотишларнинг ҳисобланган ҳажми кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган далолатнома.

4.15. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

4.16. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва счет-фактурани қабул қилиб олади ва имзолайди ҳамда бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.17. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчинини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.

4.18. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи тузилмаси томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.19. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.20. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

Фойдаланилган табиий газ учун тўлов суммаси табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичларни олиш вақтида амал қилинган тарифлар асосида ҳисобланади. Тарифлар ўзгарганда, аввал ҳисобланган сумма бўйича



тарифлар ўзгаришига қадар тўлов амалга оширилмаган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайдиган қарздорлик вужудга келган деб тан олинади.

## **V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ҲОИДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан 3.6-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва уч нусхада тузиладиган далолатнома билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, Етказиб берувчи вакилининг сўнгги кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

## **VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ**

6.1. Истеъмолчи газ тармоқларидан қуйидаги ҳолатларда узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газ ҳисобдонининг кўрсаткичлари Етказиб берувчига тақдим этилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- Етказиб берувчи кўрсатмалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакиллари ҳисоблаш приборларидан кўрсаткични олишга қўйилмаганда;
- ҳисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни талон-тароҳ қилиш, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланганда.


6.2. Тармоққа қайта уланишда Истеъмолчидан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида ҳақ ундирилади.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларига уланган газ тармоқларига истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

## **VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;





- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида “Ўзнефтьгазинспекция”ни ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газ етказиб бериш;

- Ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- табиий газ сизиб чиқишида – дархол;

- қонун ҳужжатларида белгиланган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмолчиларни об-ҳаво совиб кетиши даврида табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари” талабларига кўра табиий газни қисқартириш ёки тўхтатиб қўйиш;

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни газ тармоғидан узиб қўйиш;

- истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартноманинг 3.6-бандида назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунигача қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- газдан оқилона ва самарали фойдаланиш;

- ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш;

- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;



- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ таъминоти ташкилоти вакиллари (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- газ ҳисоблаш ускунасини газ сарфини назорат қилиш ва ҳисоблашнинг автоматлаштирилган онлайн тизимига уланишини ва комплекс соз ишлашини таъминлаш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, газ етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш;

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган аниқ зарар ва бой берилган фойдасини белгиланган тартибда қоплайди.

ЮРИДИЧЕС.ОТД.  
ООО "ШГХК"



Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолатларда жавобгар ҳисобланмайди:

- а) истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
- б) заҳира ёқилғига ўтиш талаблари бажарилмаганда;
- в) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- г) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдориди жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) магистрал ва газ тармоқларида авария ҳолатлари;
- в) киш даврида вақтинча газ етказиб беришни чеклаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарори, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);
- г) қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг Истеъмолчи томонидан бажарилмаслиги.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдориди (стратегик корхоналарга 0,05 фоиз), бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

9. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишни кафолатлайди. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Етказиб берувчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб,

ЮРИДИЧЕС. СЛД.  
ООО "ШГХК"



Етказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

## **X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## **XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР**

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазибчиқариш жойларида қутилмаган авария вазиятлари юзага келганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки қабул қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

## **XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Шартнома \_\_\_\_\_ йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Молиявий мажбуриятлар буйича якуний ҳисоб китоблар амалга оширилгунга қадар шартнома шартлари амалда бўлади.


12.3. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кунданбошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга асосан ҳал этилмаган низолар жавобгарнинг жойлашган жойидаги Иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

## **XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

13.1. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ёки шартнома қоидалари жиддий бузилган тақдирда, бир томонлама тартибда ёхуд суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, ҳар иккала нусха бир хил юридик кучга эга.





#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

##### ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ “Ўзтрансгаз” АЖ

Почта манзили  
Тошкент ш., Яккасарой т.,  
Юсуф Хос Хожиб к. 31 «а» уй  
КТУТ коди 154269  
ХХТУТ коди 49500  
Боғланиш телефони (71) 239-18-67  
Тўловлар учун банкнинг ҳисоб рақами  
2263 4000 9001 1783 6999  
Пеня тўловлари учун банкнинг  
ҳисобрақами.  
2021 0000 9001 1783 6001  
Банкнинг номи ЎзСҚБ Ракат филиали  
МФО 00435  
СТИР 200626188

##### ИСТЕЪМОЛЧИ

##### “Шуртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ

Почта манзили  
Қашқадарё вилоят Гузор тумани  
Шуртан курғони  
КТУТ коди  
ХХТУТ коди  
Боғланиш телефони (75) 552-41-39  
Тўловлар учун банкнинг ҳисоб рақами  
2020 1000 0104 03900 1001  
Банкнинг номи ЎзТИФ МБ Карши  
бўлими  
МФО 00150  
СТИР 203195074

Тижорат бўйича Департамент бошлиғи:

Имзо:

М.Ў.



Бош директор

Ш.Ч. Асланов

Имзо:

М.Ў.



012  
БШ ва.ИТБ

Ушбу ҳужжат

ЮРИДИЧЕС.ОТД.  
ООО "ШГХК"



2021 йил « 28 » декабр  
 203195074-145 -сонли шартномага  
 ИЛОВА

**Фойдаланишга қабул қилинган газ истеъмол қилиш қурилмалари  
 РЎЙХАТИ**

№	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лойиха (паспорт) бўйича газ сарфи, м³/час	Хисобга олиш приборлари тури
		Номла ниши	сони		
1	ШГKM қурилмаларни таъмирлаш ва авария даврида олинадиган табиий газ учун				Флобосс – РОС - 10 зав.№ 18346176

Келишилган:

Етказиб берувчи

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_



Истеъмолчи

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_



ЮРИДИЧЕС.ОТД.  
 ООО "ШГХК"